

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 1

2024 йил 10 январь

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шўхрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*
Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун мўлжалланган иш режаси лойиҳасини муҳокама қилиш.

2. Жамоатчилик кенгаши фаолиятини янада такомиллаштириш, янги аъзоларни қабул қилиш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш сўз билан очди.

Ўтган 2023 йил 29 ноябрь куни Президент Шавкат Мирзиёев раислигида қишлоқ хўжалигида сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва йўқотишларни камайтириш чора-тадбирлари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида соҳа ходимлари олдига қўйилган вазифалар ижросини назорат қилиш масаласи муҳокама қилинди.

Мамлакатимиздаги сув ресурсларининг 20 фоизи ўзимизда, катта қисми қўшни давлатларда шаклланади. Иқлим ўзгариши оқибатида сув манбалари йил сайин камайиб бормоқда. Трансчегаравий дарёларни бошқариш бўйича вазият ҳам жиддий. Буларнинг таъсирида 2030 йилга бориб юртимиздаги сув танқислиги 15 миллиард куб метрга етиши прогноз қилинаёпти.

Лекин шу ҳолатда ҳам сувдан самарасиз фойдаланиланиаётганини жамоатчиликка етказиш бўйича етарли тарғибот олиб борилмаяпти. “Сув – текин эмас” ғоясини тушунтириш, каналлар ва ички суғориш тармоқларини бетонлаш ишларида сифатни назорат қилиш зарурлиги ҳақида сўз юритилди.

Л.Мухаммадназаров Жамоатчилик кенгаши олдига муҳим вазифалар кўйилганлиги, шулардан келиб чиқиб, вазирлик фаолиятида очиклик, қонунийлик, натижадорлик ва сифатни ўрганиб бориш, раҳбариятга асослангиланган таклифлар бериш зарурлигини қайд этди.

Йиғилишда кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суёнов сўзга чиқиб, Жамоатчилик кенгаши аъзоларини 2024 йил учун мўлжалланган иш режасининг лойиҳаси билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши тўғрисидаги Низомда кенгаш аъзолари сони чекланмаганлиги кўрсатилган. Кенгаш раиси Л.Мухаммадназаров шу пайтга қадар Жамоатчилик кенгаши 9 кишилик таркибда фаолият юритиб келганлиги, ҳозирги шароит кенгаш таркибини кучайтириш ва аъзолар сонини оширишни тақазо қилаётганлигини таъкидлади.

“Янги Ўзбекистон” газетаси бўлим бошлиғи Улуғмуродов Дилшод Жумабоевич, “Истикболли авлод” Республика ижтимоий-ахборот марказини Наманган бўлимини директори Нуритдинова Рано Абдуганиевна, “Platina.uz” сайти журналисти Сайидасқаров Абулфайз Сайидхошим ўғли, “Дарё.уз” сайти бош муҳаррири Аҳмад Юсупов, Экожурналист, филология фанлари доктори (DSc). профессор, Ekolog.uz сайтининг бош муҳаррири, “Ekolog” жамоат бирлашмасининг раҳбари Наргис Қосимова, “Ўзбекистон 24” телеканали катта муҳаррири Олима Хамроева, Жамоатчилик фаоли, профессор Ғиёс Раҳимов, ТИҚХММИ Миллий тадқиқот университети “Экология ва сув ресурсларини бошқариш” кафедраси катта ўқитувчиси Маматов Собитжон Алижоновичларнинг номзоди таклиф этилди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, Т.Долиев, М.Икромова сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг 2024 йил учун мўлжалланган иш режаси 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янгиланган таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. “Сув – текин эмас” ғоясини тушунтириш, каналлар ва ички сугориш тармоқларини бетонлаштириш сифати бўйича кенг кўламли тарғибот тадбирлари ОАВни жалб этган ҳолда изчил давом эттирилсин. Бу вазифа кенгаш раиси ўринбосари, Ахборот хизмати бошлиғи Ш.Суёновга юклатилсин.

4. Куйи тизим ташкилотларида жамоатчилик кенгашлари фаолияти ўрганиб чикилиб, раҳбариятга таҳлилий маълумот киритилсин. Бу вазифа Стратегик режалаштириш ва методология бўлими бошлиғи Х.Лапасовга топширилсин.

Йигилиш баённомасини

расмийлаштирди.

Кенгаш котиби



У.Эрназарова